



## БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ИЖТИМОЙ МОБИЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Салаева Муборак Сабуровна<sup>1</sup>

Бекназарова Хуршида Хамдам кизи<sup>2</sup>

<sup>1</sup>психология фанлари номзоди, доцент,  
Низомий номидаги Тошкент давлат  
педагогика университети,  
Тошкент, Ўзбекистон

<sup>2</sup>Низомий номидаги Тошкент давлат  
педагогика университети Бошланғич таълим  
1-курс магистранти, Тошкент, Ўзбекистон  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.6511330>

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 18-aprel 2022  
Ma'qullandi: 25-aprel 2022  
Chop etildi: 30-aprel 2022

### KALIT SO'ZLAR

педагог, кичик мактаб  
ёши, бошланғич таълим,  
ўқувчи шахси, таълим,  
тарбия, дунёқараш,  
ҳаётий позиция,  
муносабат, ўқув  
фаолияти, ўқув  
материали, мобиллик,  
ўзлаштириш, таълимий  
топшириқлар.

### ANNOTATSIYA

Мақолада таълимни модернизациялаш  
шароитида педагогнинг кичик мактаб ёшидаги  
болаларни ижтимоий мобиллигини оширишга таъсири  
ёритиб берилган.

Кичик мактаб ёшидаги болалар жуда таъсирчан ва атроф-муҳитга нисбатан ўта сезгирдирлар. Улар идрокининг софлиги ва ёрқинлиги билан бошқа ёшдаги болалардан ажралиб турадилар.

Кичик мактаб ёшидаги болалар биринчи ўқув йилини тамомлаб иккинчи синфга ўтгач, уларнинг ўқув фаолиятидаги мобиллиги орта бошлайди. Яъни, улар педагогнинг ҳар қандай баёнотларига алоҳида чин дилдан жавоб беришади; улар ўзлари учун қандайдир янги бўлган маълумотларга, ўқитувчи келтирган

чин-ҳазил ва ҳаётий мисолларига жуда жонли муносабатда бўлишади.

Кичик мактаб ёшидаги болаларни мактабга тайёрлигининг характерли хусусиятларидан бири – дарҳол жавоб беришга мойиллигида намоён бўлади. Бу ҳолат уларнинг импульсив, беихтиёр ҳаракатчанлигини ошириши билан бирга ўқув жараёнига тез ва кескинликда киришишини ҳамда сўз бойлигининг ортишини таъминлайди.

Педагоглар кичик мактаб ёшидаги болаларнинг янги таълим шароитига мослашишини таъминлаш ва ўқув материалларини ўзлаштириш



жараёнида зерикишига йўл қўймасликлари учун бир вазифадан иккинчи вазифага тезда ўтишлари ёки бўлмаса, ҳиссий ва жисмоний зўриқишларни олдини олиш учун эса узоқ вақт тўхтаб дам олишларини узайтирилмасликлари лозим.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар жавоб беришда бевосита таассуротларга бой ва фаолдир. Дарс жараёнида қўлланиладиган кўргазмалар қуроллар уларда ҳамиша зўр иштиёқ билан ўқув материални ўзлаштиришга бўлган қизиқишни уйғотади. Айниқса, бошланғич таълим ўқувчиларининг ўқиш дарсларида ижодий ва ҳиссий лаҳзаларга алоҳида сезгирлиги доимий равишда намоён бўлади.

Дарснинг муваффақияти, албатта, матнни талаффуз қилишнинг тушунарлилиги, ролли ишчан ўйин ва драмалаштириш (сахналаштириш) каби таълимнинг ноанъанавий шаклларида фойдаланиш ҳамда саволларни моҳирона қўйишга боғлиқ.

Бошланғич таълим ўқувчилари ўқув материалларини ўзлаштириш давомида муаллиф илҳомлантирган нарсалар, яъни ўқув материали мазмунидаги таърифни ўзича тасаввур этиши, ҳазил-мутойибаларга табассум қилиши ёки ҳамдард бўлишга тайёрлигини кўрсатиши билан бирга улар ҳеч қачон муаллифга нисбатан ишончсизлик билдирмаслиги ёки бўлмаса матннинг афзалликлари ҳақида гапирмайдилар. Ҳар доим дарс мавзусига доир ўқув материали мазмунига бўлган таъсирнинг жонлилиги ва синф хонасининг тўлиқ мослашиши улар эътиборини тортади.

Кичик мактаб ёшидаги болалар қизиқишларининг катталар дунёсидаги тушунчаларга доимий равишда яқинлашиши ва ушбу ёш даври учун хос бўлган ўзини психологик тайёрлаши уларда маълум билимларни ўзлаштиришга нисбатан соддадиллик ва ўйноқилик муносабатларига олиб келади. Шу орқали улар билим соҳасига қўшилиб, ўйнашда давом этадилар. Катталардан ўзлаштириб олинган кўплаб тушунчаларнинг ташқи, расмий ассимиляцияси ҳали бошқача бўлиши мумкин эмас.

Шунингдек, аксарият ҳолларда кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар мактабгача ёшдаги болалардан фарқли равишда хабар қилинаётган маълумотларнинг сабаб ва маъноларини аниқлашга мустақил қизиқиш билдирмаслиги билан ажралиб турадилар. Улар ўзларини чексиз билимлар тўпламининг энг чеккасида эканликларини ҳис қилишликлари сабабли барча нарсани эгаллашга уринмайдилар. Айниқса, кичик мактаб ёшидаги болаларга хос бўлган идрокнинг содда ўйинқароқ табиати педагогик амалиётда кенг қўлланиладиган ифодали ўқиш жараёнини айниқса қизиқарли қилади. Жумладан, ўқиш дарсларида бошланғич таълим ўқувчилари зиммасига ибораларни баланд, аниқ ва мазмунига мос келадиган интонациялар билан талаффуз қилиш вазифаси юкланилади. Шу билан бирга, ўқиш жараёнида қаердадир муаллиф ва қаердадир асар қаҳрамонлари ролларини бажариш лозим бўлади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, бошланғич таълимда ўқиш



тарзи кўп жиҳатдан ўқитувчининг ўқиш услубини такрорлаш билан амалга оширилади, бироқ баъзи бир ўқувчилар ҳам учраб турадики, улар нафақат лаёқатлилиги ва овозининг жарангдорлиги, балки интонацияларни маромига етказишда кўпроқ зукколиги билан ўқитувчидан устундирлар. Бунда ўқувчилар ўзини тўхтатмасдан, ҳеч қандай хижолатсиз ўз ҳис-туйғуларини ўзгача ғайрат ва тўлиқлик билан ифода этадилар. Бировнинг ҳис-туйғуларига бундай тақлид қилиш уларга завқ бағишлайди ва улар ўқиганларини янада мустаҳкам ва батафсил ўзлаштиришга ёрдам беради.

Кичик мактаб ёшдаги ўқувчилар деярли ўзлари тушунмайдиган матнни ифодали равишда самимий ва оқилона интонациялар билан ўқишлари бу шу даврга хос бўлган хусусиятлардан бири ҳисобланади. Бироқ бошланғич таълим ўқувчиларига ташқи таассуротлар кучли чалғитувчи омил бўлиб, улар учун тушунарсиз материалга диққатни жамлаш жуда мураккаб бўлган жараёндир.

Шу нуқтаи назардан кичик мактаб ёшдаги болалар диққатининг беқарорлиги билан ажралиб турадилар. Улар 10-20 дақиқа давомидагина жуда кичик ҳажмдаги бирор бир нарсага эътиборини жалб этишлари мумкин. Илк ўсмирлик даврида бу ҳолат 40-45 дақиқага ва ўспиринларда эса 45-50 дақиқагача чўзилиши мумкин.

Ўқув жараёнидаги ортикча юкламалар аксарият ҳолларда ўқувчиларни руҳий тушкунликка солиши ва уларнинг шахсиятига салбий таъсир қилиши кузатилади. Шу сабабдан педагоглар ўқув материаллари

мазмунини шакллантиришда бу ҳолатларни ҳисобга олиш лозим бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўқувчилар бу каби қийинчиликларни бошдан кечиришлари, бироқ уларнинг келиб чиқиш сабабларини англамасликлари туфайли, қатъият ва тиришқоқлик билан максимал ҳаракат қилишлари орқали ҳам керакли натижага эриша олмасликлари ва аксинча, ночор ҳолатга тушишлари кутилади. Натижада уларнинг ўз кучига бўлган ишончи аста-секин сўниб боради. Агар бундай ўқувчига қийинчиликларни енгиш ва билимдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдиришда ўз вақтида ёрдам берилмаса, у ўз-ўзидан шубҳалана бошланиши ва бу ўзига бўлган ишончсизлик шахсиятида барқарор хусусиятга айланиши мумкин.

Бундай ўзига ишончсизлик болаларнинг ўқув материали ҳажми ва таълим жараёнидаги қийинчиликларга муносабати ўртасидаги номувофиқлиги билан тавсифланади. Битта таълим муаммосини ҳал қилишда муваффақиятсизлик таъсири остида қолган ўқувчилар ўзларини чидамсиз ва иродасиз дея таърифлашлари мумкин. Ана шу сабабли кичик мактаб ёшдаги болаларда ўқув жараёнига қизиқиш пасайиши кузатилади. Мана шундай муваффақиятсизликлар болаларни жамоадан изоляцияланишига олиб келиши мумкин. Охир оқибат боланинг мактабдан нафратланиши, ёки бўлмаса унга боришни рад этиши ҳолатлари кузатилади.

Шунингдек, бу кўпгина ҳолларда болаларнинг мактаб жамоаларидан ташқарида дўст излай бошлашига ҳамда салбий ижтимоий



Йўналтирилишига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли, иложи борича ўқувчининг салбий томонга ўзгариши ва ўқув жараёнида паст ўзлаштиришига

олиб келмасиданоқ, тезроқ бундай салбий оқибатларни олдини олиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Сохранов В. В., Журавлева О. В. Социальная мобильность учащихся как базисный критерий качества общего среднего образования// Начальная школа на рубеже веков: современное состояние и перспективы развития: Материалы межвузовской научной конференции, посвященной 25-летию факультета начальных классов ПГПУ Им. В. Г. Белинского. - Пенза: Изд-во ПГПУ им. В. Г.Белинского, 2000.- С. 35 - 36 (0, 1 п. л., 50 % авторских).
2. Журавлева О. В. Мобильность личности как педагогическая проблема// Психолого-педагогические аспекты профессионального образования молодежи: Межрегиональный сборник научных трудов. - Пенза: ПГОУ им. В. Г.Белинского| 2001.- С. 62 - 66 (0,3 п.л.).
3. Журавлева О. В. Воспитание мобильности младших школьников как фактор реализации личностно-ориентированного подхода к педагогическому процессу// Актуальные проблемы совершенствования непрерывного образования: традиции и современность: Материалы межрегиональной научно-практической конференции. Ч. П.- Пенза: Изд-во ИПК и ПРО, 2001.- С. 43 - 49 (0,4 п. л.).
4. Журавлева О. В. Роль учителя в процессе формирования мобильности младших школьников// Современные технологии подготовки и переподготовки специалиста-профессионала в условиях непрерывного образования: Материалы Российской научно-методической конференции. - Рязань: РГПУ им. С. А. Есенина, 2002.- С. 162-165 (0,3 п. л.).
5. Орлова Е.С. Формирование познавательного интереса и активности у детей младшего школьного возраста: Дисс. канд пед наук... Челябинск, 1999.- 173 с.
6. Осницкий А.К. Самореализация деятельности школьника и формирование активной личности. - М.: Знание, 1986.- 80 с.